



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 24-fevral, Seshanba • 22 (31.925)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ЁШЛАР ФИКРИ

«Мен Президент сайловида илк бор қатнашаман»



Санабар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига катта ҳозирлик кўрилмоқда. Қонунга мувофиқ 18 ёшга тўлган фуқаролар Президент сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Хўш, Президент сайловида биринчи марта қатнашадиган ёшлар мазкур муҳим воқеанинг масъулиятини қандай тасаввур қилмоқда? Улар юртимизда кечаётган сайлов билан боғлиқ жараёнлардан қай даражада хабардор?

2

САЙЛОВ — 2015

21 февраль куни Жиззахлик сайловчилар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Хотамжон Кетмонов билан учрашдилар.

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

самимий руҳда, очик мулоқот тарзида ўтди

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказувчи 4-Жиззах округ сайлов комиссияси раиси Абдумажид Сатторов очди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлашаётган, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги янгиланишлар муҳим босқичга кўтарилаётган паллада ўтаётганига алоҳида эътибор қаратди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Мўтабар Каримова учрашув қатнашчиларини номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Учрашувда Хотамжон Кетмонов ўзининг сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди.

2

ЎзХДП қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, давлат бошқаруви органлари фаолияти натижаларини ошқора ва конструктив муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари иштироки амалиётини изчил ривожлантиришни таъминлаш, электорат манфаатларига алоқадор долзарб иқтисодий ва ижтимоий вазифалар ҳал этилишига таъсир кўрсатиш масалаларида сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари ҳуқуқ ва ваколатларини янада ошириш бўйича чоралар кўриш тарафдоридир.

Марказий сайлов комиссиясида учрашув

Кеча Марказий сайлов комиссиясида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ)нинг мамлакатимизга ташриф буюрган кузатувчилари миссияси асосий гуруҳи аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Миссияни Каэтана Де Зулуета бошқармоқда.

Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Комилжон Адилов меҳмонларга мамлакатимизда сайлов кампанияси бориши ҳақида сўзлаб берди. Хусусан, меҳмонлар Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури амалга оширилиши билан таништирилди. Қайд этилганидек, Марказий округ ва участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятида сайлов кампаниясининг барча босқичларида қонунийлик, ошқоралик ва транспарентлик принципларига қатъий риоя этилишига алоҳида эътибор қаратади.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси аъзолари фаолиятини, унинг Ўзбекистонда сайловни кузатиш бўйича Марказий сайлов комиссияси билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш масалалари хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни

ўтказиш учун масъул конституциявий орган сифатида Марказий сайлов комиссияси мустақиллигининг ҳуқуқий кафолатлари сезиларли равишда мустаҳкамлангани, мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошқоралик, адолатлик комиссия фаолиятининг асосий принциплари экани тасдиқланди. Ўзбекистон Республикасининг Мазмунрий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган қўшимчаларга биноан сайлов жараёнига жалб этилган жисмоний ва юридик шахсларнинг сайлов қонунчилигига риоя этиши, Марказий сайлов комиссияси қарорларини сўзсиз бажариш бўйича жавобгарлиги кучайтирилгани алоҳида қайд этилди.

Учрашувда томонлар ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси аъзолари фаолияти сайлов жараёни очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш, уни халқаро стандарт ва нормаларга мувофиқ ташкил этишга кўмаклашишига ишонч билдиришди.

Каэтана Де Зулуета қайд этишича, миссия сайловларни Ўзбекистон қонунчилигида кўзда тутилган муддат ва тартибларга мувофиқ, узок муд-

датли асосда кузатади. Бу кузатув номзодлар сайловолди ташвиқотини қандай олиб бораётгани, оммавий ахборот воситалари сайловчиларни сайлов жараёнининг бориши ҳақида қандай хабардор қилаётганини ўз ичига олади. Миссия аъзолари мамлакатнинг бир қатор ҳудудларига ташриф буюриб, сайлов комиссиялари фаолияти билан танишди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов кўриш овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга. Уларнинг ваколатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган намунадаги мандатлар билан тасдиқланган бўлиши керак. Ушбу ҳужжат кузатувчига Марказий сайлов комиссияси мажлисларида қатнашиш ҳуқуқини беради. Марказий сайлов комиссиясининг мажлислари очик ва ошқора ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази.

Ўзбекистон Республикаси Президенти САЙЛОВИ — 2015



29 МАРТ

33

КУН ҚОЛДИ



КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ХИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ!

2015 йил 29 март, якшанба — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Хотамжон Кетмоновга овоз беринг!



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Тошкент вилоят округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида сайловга тайёргарлик ишларининг бориши билан боғлиқ масала атрофлича муҳокама этилди. Унда округ сайлов комиссияси аъзолари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Муҳим сиёсий тадбирнинг қонун талаблари асосида ўтишини таъминлашда округ ва участка сайлов комиссиялари муҳим ўрин тутди, — дейди 10-Тошкент вилоят округ сайлов комиссияси раиси Нурмухаммад Абдуллаев. — Шу боис участка сайлов комиссияси аъзоларининг билим ва кўникмаларини янада ошириш масаласига катта эътибор қаратишмоқда. Семинарлар ташкил қилиб, уларни миллий сайлов қонунчилигимиз билан яқиндан таништириб бораёلمиз.

Округ сайлов комиссиясининг йиғилишида тегишли ташкилотлар вакиллари сайлов участкаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишлари хусусидаги ахборотлари тингланди.

НАВОИЙ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 5-Навоий вилоят округ сайлов комиссияси томонидан сайловни юқори савияда ташкил этиш юзасидан пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Сайлов участкалари миллий сайлов қонунчилигимизга оид сиёсий адабиётлар, кўргазмалар кураоллар ва энг сўнгги ахборот технологиялари билан тўлиқ таъминланди, — дейди округ сайлов комиссияси котиби Хусниддин Аҳмедов. — Бу сайловчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини янада юксалтиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ барча тадбирлар миллий қонунчилигимиз талаблари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар дастури асосида изчил олиб борилмоқда. Бунинг учун округ сайлов комиссиясининг иш режаси, аъзоларининг вазифалар тақсироти ишлаб чиқилди. Шунингдек, сайлов участкаларида доимий навбатчиликлар ташкил қилинган.

НАМАНГАН

Наманган вилоятида Президент сайловини ўтказишга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, ҳар бир сайлов участкаси сайловчиларга қулай ва яқин бўлган биноларда жойлаштирилиб, зарур шарт-шароитлар яратилиб, замонавий алоқа воситалари билан тўлиқ жиҳозланди.

Бизнинг сайлов участкамизда 3 мингдан ортиқ сайловчи бор, дейди — Наманган шаҳридаги 114-участка сайлов комиссияси раиси Феруза Рамазонова. — Уларнинг маълум қисми Президент сайловида илк бор иштирок этди. Шу боис ёшларнинг муҳим сиёсий тадбир ҳақидаги тушунчаларини янада бойитиш, сайловда фаол иштирок этишнинг аҳамиятига оид тарғибот-тушунтириш тадбирлари ўтказилмоқда. Участкамизда оналар ва болалар хонаси ташкил қилинди. Шунингдек, тиббиёт хонасига ҳам зарур асбоб-ускуналар ўрнатилиб, биринчи ёрдам кўрсатиш учун шай қилиб қўйилди.

Наманган вилоят округ сайлов комиссиясининг шаҳар ва туманларга бириктирилган аъзолари бутун округ ҳудудида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун талабларига тўла риоя қилинишига алоҳида эътибор беришмоқда.

Аҳмад ЮСУПОВ тайёрлади.

Сайловга тайёргарлик ишлари тўғрисида таҳририятимизга хабар қилсангиз, миннатдор бўламиз. Тел.: (0-371) 233-10-13, 233-65-45. info@uzbekistonovozi.uz

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:



Мамлакатимиздаги ҳар бир инсон ҳаётдан рози бўлиб яшаши керак



Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари берилган ваколат ва имкониятлардан қай даражада фойдаланмоқда?

САЙЛОВ — 2015

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

самимий руҳда, очиқ мулоқот тарзида ўтди

Хусусан, номзод аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини қондириш, маҳаллий хомашё ва материалларни қайта ишлаш корхоналарининг рақобатбардош, юқори сифатли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришини рағбатлантириш масалаларига тўхталиб ўтди.

Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, янги иш ўринлари яратиш имкониятларини янада кенгайтириш, умуман, турмуш фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутадиган жиҳатлар ҳақида ўз сайловолди дастуридан келиб чиқиб, фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Номзоднинг таъкидлашича, ички бозорни тўлдиривчида товарлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш асосий омил ҳисобланади. Шу мақсадда номзод ўз сайловолди дастурида бир қатор масалаларни илгари сурмоқда.

Жумладан, унинг дастурида худудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича худудий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўриш, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қишлоқ



Ушб олган сурат.

жойларида оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришни рағбатлантириш, шу орқали аҳоли бандлиги, турмуш фаровонлигини ошириш лозимлиги белгиланган.

Номзоднинг дастурида баён этилган асосий йўналишлар юзасидан учрашув иштирокчилари томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Президентликка номзоднинг сайловолди дастуридан ўрин олган аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириш зарурлиги ҳақидаги таклифлар менга манзур бўлди, — деди учрашувда сўзга чиққан Жиззах транспорт ва саноат касб-хунар коллежи директори Курокбой Эргашев. — Ху-

сусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларига имтиёзли микрокредитларни тақдим этиш, ўз бизнесини йўлга қўйишда уларни белгиланган йигимлардан озод қилиш орқали мустақил бандлигини таъминлаш, яқна тартибдаги меҳнат фаолиятини рағбатлантириш учун мақбул шароитлар яратиш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш учун олий ўқув юрларига таълим контрактларини тўлаётган корхоналар ва ташкилотларни рағбатлантириш ҳақидаги таклифлар кўпчилиги сайловчиларга маъқул келди, деб ўйлайман.

Зомин туманидаги 1-ўқувчилар ижодиёт маркази директори Гулбахор Абдулхамидова кам таъминланган оилалар, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами

вакиллари манзилли ижтимоий ҳимоялаш самарадорлигини ошириш тўғрисидаги қарашлардан қониқиб ҳосил қилганини айтди. Нафақалар ҳамда моддий ёрдам асосан кам таъминланган оилалар, қариялар ва болалар учун тақсимланиши ҳамда уларнинг аниқ манзилли бўлиши жуда ҳаётий ва долзарб масала эканини таъкидлади.

Учрашувда сўз олган яна бир сайловчи — Жиззах туман фермерлар кенгаши раиси Абдунаби Абдурахмонов ўй-жойларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш, шу

мақсадда ижтимоий турар-жой фондиди шакллантиришга йўналтирилган давлат мулкни хусусийлаштиришдан олинандиган маблағларнинг бир қисмидан самарали фойдаланиш механизmlарини янада такомиллаштириш, тармоқ муҳандислик инфратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган коммунал хизматлар кўрсатишнинг арзон шакллари ривожлантириш, шу орқали аҳолига кўрсатиладиган хизматлар нархини мақбуллаштириш борасидаги йўналишларни қўллаб-қувватлашни билдирди. Сайловчилар бу йўналишлар коммунал хизматлар сифатини тубдан яхшилашда муҳим ўрин тутшига эътибор қаратди.

Жиззахлик сайловчилар ном-

Бизнинг номзод мамлакатимиздаги ҳар бир инсон ҳаётдан рози бўлиб яшаши керак, деб ҳисоблайди.

зоднинг сайловолди дастури юзасидан ўз мулоҳаза ва таклифларини ҳам билдириб ўтди. Хотамжон Кетмонов учрашув иштирокчиларининг саволларига жавоб берди ва уларга эътибор ҳамда ишонч учун миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ҳамда муқобиллик асосида, халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда, сайловчиларнинг сиёсий фаолиги янада ошган шароитда ўтаётгани алоҳида қайд этилди.

Учрашувда сўзга чиққанлар сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Хотамжон Кетмонов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

■ 21 февраль куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнларида иштирок этадиган кузатувчиларни рўйхатга олиш билан боғлиқ масала кўриб чиқилди.

Кузатувчилар миссиялари рўйхатга олинди

Мажлисида Марказий сайлов комиссияси аъзолари, шунингдек, сиёсий партияларнинг вакиллари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) кузатувчилар миссияси аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошқара амалга ошираётганини, бу Ўзбекистон сайлов тизимининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланишини таъкидлади.

КУЗАТУВ САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИНГ БАРЧА БОСҚИЧЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МУМКИН. ХАЛҚАРО САЙЛОВ АМАЛИЁТИДА БУНДАЙ ОЧИҚ, ДЕМОКРАТИК ҲОЛАТ КАМ УЧРАШИ ҚАЙД ЭТИЛДИ.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, сайлов жараёнини кузатишда ҳам миллий, ҳам халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиш имконияти назарда тутилган. Кузатув сайлов жараёнининг барча босқичларида амалга оширилиши мумкин. Халқаро сайлов амалиётида бундай очиқ, демократик ҳолат кам учраши қайд этилди.

Ўзбекистонда сайлов тўғрисидаги қонунчилик мунтазам равишда такомиллашиб бораётгани фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатларини янада мустаҳкамлашга, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш миллий амалиётини яхшилашга қаратилган.

Марказий сайлов комиссияси олдинги сайловларда бўлгани каби Ўзбекистонда жорий йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун Европа, Осиё, Америка ва Африка мамлакатларидан кўп сонли хорижий кузатувчиларни, шунингдек, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар миссияларини таклиф этди.

ЕХТ ДИИХБдан кузатувчилар миссиясининг 12 кишидан иборат асосий гуруҳи мамлакатимизга келди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссияси МДХ ва ЕХТ ДИИХБдан кузатувчилар миссияларини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг Президент сайловида тайёргарлик кўриш юзасидан олиб бораётган ишлари ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.

ЁШЛАР ФИКРИ

«Мен Президент сайловида илк бор қатнашаман»

Маълумки, Президент сайловида юртимиздаги барча сиёсий партиялар ўз номзодларини илгари сурмоқда. Шу кунларда номзодларнинг сайловчилар, халқимиз вакиллари билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Ушбу учрашувлар, айниқса, Президент сайловида биринчи марта иштирок этадиган ёшлар катта қизиқиш уйғотмоқда.

Айни пайтда ёшлар Президентлик сайлови ҳақида нималарни билишади? Қандай одамни Президентликка муносиб, деб тасаввур қилишади?

Бобур РАҲМОНБЕРДИЕВ,
Тошкент давлат юридик университети талабаси:

— Сайловда иштирок этиш, номзодлар ва уларнинг дастурлари билан яқиндан танишиш ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади. Мамлакатимиз раҳбари сифатида қандай инсонни кўришимиз мумкин? Бу борада кўпчилиكنинг ўз фикри, муносабати, айтиш мумкинки, позицияси бор. Сайлов куни ҳар биримиз сайлов варақасига белги кўра эканмиз, ана шу позициямизни намойён этган бўламиз. Шунинг учун Президент ким, мамлакат тараққиёти, халқ келажагида унинг ўрни, аҳамияти тўғрисида чуқур ўйлаб, фикр юритишимиз керак бўлади.

«Давоми. Бошланғичи 1-бетда».

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ҳаяжон билан кутяпман. Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини мен каби ёшлар ташкил қилади. Бу эса ёшларнинг бўлажак сайловларда қатнашиши муҳим эканини кўрсатади. Сайловда фаол иштирок этиш мамлакат тараққиёти, аҳоли фаровонлиги йўлидаги масъулиятдир. Шундай экан, ўз тақдирини мамлакат тақдирига чамбарчас боғлаган ҳар бир ёш Президент сайловида фаол иштирок этиши зарур. Мен ҳам ўз ҳуқуқимдан албатта фойдаланаман.

Собиржон РАҲМОНОВ,
тадбиркор:

— Мамлакатимизда биз, ёшлар учун қулай шарт-шароит яратилганини барчамиз ўз соҳамиз, шахсий ҳаётимиз мисолида кўриб

турибмиз. Айниқса, ўз мустақил ишимизни йўлга қўйишимиз, уни ҳар томонлама кенгайтиришимиз учун йўллар кенг очиб берилмоқда. Имтиёзли банк хизматлари таклиф этиляпти, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик ташаббуслари фаол қўллаб-қувватланапти.

Мен ҳам бу имкониятлардан фойдаланган ҳолда, ўтган йили ўз тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйдим. Албатта, осон бўлгани йўқ. Лекин кучли хоҳиш-истак, мақсад билан ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиш мумкин экан. Иш бошлаганимизда фақат болалар кийимларини ишлаб чиқарган бўлсак, ҳозирда маҳсулотларимизнинг тури ошди, хотин-қизлар учун ҳам кийимлар тайёрляпмиз.

Мустақил ишимни олиб бориш билан бирга, Тошкент давлат иқтисодий университетиде таҳсил оламан. Мамлакатимизда ва дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, сиёсий жараёнларни мунтазам кузатиб, ўзимга тегишли ҳулосалар чиқариб бораман. Ўзбекистон Республикаси Президентлигида сайловда ёшларнинг иштироки муҳим, албатта. Шу боис 29 март куни бўлиб ўтадиган сайловда иштирок этишни фуқаролик бурчим, деб биламан. Бунга бефарқ бўлишга ҳақим йўқ.

Президент юрт тақдири, халқ фаровонлиги йўлида чин дилдан қайғурадиган, ҳаётий таклиф ва ташаббусларни илгари сурадиган,

Президент юрт тақдири, халқ фаровонлиги йўлида чин дилдан қайғурадиган, ҳаётий таклиф ва ташаббусларни илгари сурадиган, уларни юксак шижоат билан амалга оширадиган ҳамда фидойи инсон бўлиши керак, деб ўйлайман.

юксак шижоат билан уларни амалга оширадиган ҳамда фидойи инсон бўлиши керак, деб ўйлайман. Худудлар, соҳалар қай даражада ривожланганини, одамларнинг турмуш шароити юксалиши мамлакат раҳбарига боғлиқдир. Шуларни назарда тутган ҳолда, сайлов билан боғлиқ жараёнларда фаол қатнашишимиз зарур.

Шоҳсанам ДАУЛЕТБАЕВА,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги академик лицейнинг 2-босқич ўқувчиси:

— Сайлов катта сиёсий воқеа, жараён. Бугун номзодлар ҳам, сайловчилар ҳам жиддий синов арафасида. Бу имтиҳондан қандай ўтиш эса, аввало, ҳар биримизнинг фуқаро сифатида ўз бурчимизни қандай англашимизга боғлиқ. Сайловда сайловчининг эркин танлаш ҳуқуқи бор. Номзодлар орасидан тафаккури юксак, салоҳиятли, айтаётган сўзи-

нинг устидан чиқадиган, гоялари ҳаётий бўлганини танлаб, унга ўз овозимизни берсак, келажагимиз пойдеворини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшган бўламиз.

Мен бу йил биринчи бор Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этаман. Бу менга гуруҳ ва ифтихор бағишлайди. Ҳозир биз сайлов жараёнлари ҳақида кўпроқ маълумотлар олишга ҳаракат қиляпмиз. Номзодларнинг сайловолди дастурлари билан яқиндан танишяпман. Сайлов жараёнларида фаол қатнашиш орқали нафақат сиёсий ҳуқуқимиздан фойдаланамиз, шу билан бирга, сиёсий-ҳуқуқий билимимизни оширамиз. Шунингдек, мамлакатимиз истикболи, тараққиёт йўллари ҳақида фикримиз, тушунчамизни кенгайтириш имконига эга бўламиз. Демак, сайлов биз ёшлар учун ҳар томонлама муҳим воқеадир.

Муқаррам РАСУЛЖОНОВА
ёзиб олди.

■ ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ 14 ТА САЙЛОВ ОКРУГИ ҲАМДА 9058 ТА САЙЛОВ УЧАСТКАСИ ТУЗИЛДИ.



■ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ХОРИЖДАГИ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ҲУЗУРИДА 44 ТА САЙЛОВ УЧАСТКАСИ ТУЗИЛДИ ВА УЛАР 14-ТОШКЕНТ ШАҲАР САЙЛОВ ОКРУГИГА БИРИКТИРИЛДИ.



Тошкент нафақат Марказий Осиёнинг, балки дунёнинг энг мафтункор, энг чиройли, энг озода, энг катта шаҳарларидан биридир

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: ЖАҲОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

Ўзбекистон кўчаларидаги олтин кулгулар

Буюк Британиянинг «The Guardian» нашрида Ўзбекистонга сайёҳ сифатида келган журналист Кейт Келлвэйнинг мақоласи чоп этилди. Унда муаллиф юртимизда ўтказган давларини соғинч билан ёдга олган. Биз материални қисқартирилган ҳолда газетхонларимиз эътиборига ҳавола этаёмиз.

Ўзбекистон сайёҳлик харитаси марказидаги мамлакат. Мен яқинларимга Ўзбекистонга бораётганим ҳақида гапирганимда уларнинг кўзида ажиб энтикишни кўрдим. Ҳа, Ўзбекистон сизни ўзига шундай мафтун қиладики, у ердан кетгингиз келмай қолади.

ТОШКЕНТ МАФТУНКОР ШАҲАР

Тошкент менда ажиб таассуротлар қолдирди. Кўёнинг оташ тафтини доим ҳис қилиб турдим. Кузги ҳазонларнинг шитирлашини тинглаш нақадар ёқимли. Тошкентда биз жойлашган меҳмонхона жуда чиройли, қулай, озода.

Мустақиллик йилларида пойтахтда жуда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилгани кўриниб турибди.

Тошкентда 1966 йилда кучли zilзила бўлган экан. У эски шаҳарнинг катта қисмини вайронга айлантирган.

Тошкент zilзиласи жабрдидалари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик шаҳар марказида қад ростлаган. Бу ерда мен бир воқеага гувоҳ бўлдим. Мазкур монументни келин-куёвлар зиёрат қилишар экан. Ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу ҳолатни кўриб, хурсанд бўлдим.

Мустақиллик майдонидаги Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар шарафига бунёд этилган Хотира майдони ҳам менда катта таассурот қолдирди. Майдон тўрида мотамсаро она ҳайкали бор. Унинг олдида мангу олов ёниб турибди. Девордаги хотира китобида уруш қурбонларининг номи ёзилган.

Биз Тошкент метросига ҳам тушдик. У ердаги озодлик, тартиб, ҳар бир бекатнинг ўзига хос кўриниши мени мафтун этди. Дунёнинг катта шаҳарларидаги метролар тазалиги муаммага айланган бир пайтда Тошкент метросининг гўзаллиги, бетақорлиги ҳар қандай одамнинг эътиборини тортади.

Тошкент нафақат Марказий Осиёнинг, балки дунёнинг энг мафтункор, энг чиройли, энг озода, энг катта шаҳарларидан биридир. Бу тинчлик шаҳрида вақтимизни жуда яхши ўтказдик.

САМАРҚАНД САФАРИ

Ўзбекистонда нонга алоҳида муносабатда бўлишди. У ерда ҳар бир ҳудудда ўзига хос нон ёпилар экан. Самарқанд нони эса ҳақиқий мўъжиза, санъат, маҳорат. Бизга Самарқанд нони тарихи ҳақида гапириб беришди.


Самарқандга йўл олдик. Биз чиққан тезорар «Афросиёб» поездеи менда ёқимли таассурот қолдирди. Йўл-йўлақай атрофни кузатаман: мактабдан қайтаётган болалар, ерида ишлаётган дехқонлар...

Регистоннинг жойлашуви ақлни шоширадиган даражада. У томон борар экансиз, ўрта асрлар нафасини ҳис қиласиз. Регистонни шунчаки томоша қилиб бўлмайди. Уни яхшироқ кўриш учун юксакка қарашингиз керак. Шунда мазкур ансамблнинг бор маҳобати аққол намоеён бўлади.

Бибиҳоним мадрасаси ҳам ўзига хос архитектураси билан ажралиб туради. У дунёдаги энг катта тарихий обидалардан бири. Унинг қандай қурилгани ҳақида қанча ўйланган, ўйларингизнинг охирига ета олмайсиз.

Самарқандни кезар экансиз, ҳар қадамда ўзбек халқини буюк тарихи билан юзмаюз келасиз. Биз Мирзо Улугбек мадрасасини айландик, у қурган расадхонани томоша қилиш бахтига муяссар бўлдик. У астрономия илмининг тамал тошини қўйган олим сифатида бутун дунёда улуғланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан бошлаб тарихий обидаларни сақлаш, уларни таъмирлаш масаласига эътибор қаратила бошланган. Собиқ тузум даврида ўзбек



Uzbekistan Golden smiles on the road to Uzbekistan

миллий маданияти оёқости қилинган. Бунинг оқибатида жуда кўп тарихий осори-атиқалар йўқ қилиб юборилган экан.

Самарқанд хавоси ўзига хос. Вақтида Чингизхон томонидан қилинган ҳужумдан Самарқанд ҳам жабр чеккан. Амир Темур даврига келиб, шаҳар том маънода гуллаб-яшнаган.

Бизни ўзбек хонадонига меҳмонга таклиф қилишди. Тўкин дастурхони кўриб лол қоласиз. Ўзбеклар энг азиз меҳмонга палов тортишар экан. Бу меҳмондорчиликнинг энг юқори чўққиси ҳисобланади.

БЕТАҚОР БУХОРО

Кейинги бекатимиз Бухоро бўлди. Бизни тўйга таклиф қилишди. У ердаги ҳар бир детални томоша қилиш қизиқ эди. Келиннинг кийимлари уй жиҳозларини бирма-бир кузатиб чиқдик. Бизга келин билан кўёнинг қандай танишиб турмуш қураётганини айтиб беришди.

Бухоро дунёнинг ҳеч қайси шаҳрига ўхшамайди. Кўп тарихий шаҳарларни кўрсангиз, худди музейга айланиб қолгандай. Бухоро эса улардан фарқи равишда тир-тир шаҳар. Бу ерда тарих ва бугун учрашган. Тўғриси айтишим керак, Бухоро кўпроқ ёқди. Биз келганимиздан кейин ҳаво бирпасда соғув кетди. Лекин бу ҳеч қандай муаммо туғдиргани йўқ.

Қадимий юртдаги мақбаралар ҳар қандай инсонни узок вақт оҳанрабодек ўзига тортиб туради. Минораи Калонни томоша қилдик. Унга яқинлашар экансиз, салобати босаётганини ҳис қиласиз.

Қадимда китъаларни савдо-сотик орқали бирлаштирган Буюк ипак йўлининг Бухородан ўтгани унинг салохияти қанчалик юксак эканлигидан далolat беради.

ХИВА ҲАЙРАТИ

Биз Бухородан Хива сари йўл олдик. Яйдоқ чўл оралаб кетар экансиз, олдинда бизни

нималар кутаётгани ҳақида ўйладим.

Хива жуда қадимий шаҳар. Ҳар қадамда тарих. Ҳар бир ғиштда сир-саноат. Миноралари кўкка бўй чўзган бу шаҳар ҳам бизни ҳайратга солди. Бу ерда айниқса менга хиваликларнинг бош кийими бўлган чўғирма ёқди. Мен ҳам чўғирма сотиб олдим.

Ҳаво яна ўзгарди. Энди ёмғир ёға бошлади. Биз Хивадан яқинларимиз учун соғалар қилдик. Булар бизга Ўзбекистонни, у ерда ўтказган унутилмас лаҳзаларни эсга солиб туради.

Мен дунёнинг кўп давлатларида бўлганман. Лекин ўзбек халқидоғи меҳр-оқибат, тарихга ҳурмат, маънавий меросни кўз қорачиғидай асраш туйғуларини мени ҳаяжонга солди. Ишонинг, Ўзбекистонга борган инсоннинг қалбига бир умр Ўзбекистон соғинчи яшайди.

Темур АбЗАМ тайёрлади.



Фақат таътилда ёки дам олиш кунин

Бугунги кунда мобил телефонларисиз ҳаётимизни тасаввур этиб бўлмайди. Бироқ унинг зарари ҳам борлиги ундан фойдаланишни чеклаш тартибларини жорий этишга мажбур қилмоқда. Шу боис ҳам Беларусь Мудофаа вазирлигининг мамлакат куролли кучлари шахсий таркибида мобил телефонидан фойдаланишда чеклов жорий этганини тушуниш қийин эмас.



Яъни, муқаддас ҳарбий хизматни ўтаётган, ҳарбий ўқув юртида таҳсил олаётган ва шунингдек, ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг хизмат доирасида мобил телефонидан фойдаланишни тақиқланган. Фақат таътил вақтида ёки дам олиш кунин кўнча чекса, мобил телефонидан фойдаланишга рухсат берилади.

«Ежедневник» нашри хабар беришича, бундай чеклов жорий этилишига сабаб ҳарбий сирлар ошқор бўлишининг олдини олишдир.

Бир хил исмлилар муаммоси

Аҳоли кўпайгани сари ҳар бирига алоҳида исм танлаш масаласи ҳам мушкуллашиб бораверади. Айни пайтда бундай ҳолат кўпгина мамлакатларда кузатилаётган.



Венециянинг Коджа шаҳарчаси маъмурияти ҳам бу борада муаммоларга дуч келгани боис янги чора қўлламоқда. Яъни, бир хил исмлиларни ажратиш учун уларнинг исм-фамилиясига қўшимча равишда таҳаллус ҳам расмий ҳужжатда қайд этилади.

ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, 50 минг кишилик шаҳарча аҳолисининг деярли ярми Босколо ёки Тиюццо фамилиясида. Уларнинг кўпчилиги фамилия ё исмда бир-бирдан фарқланш учун кўчасининг ёки мазорининг номини исм-фамилиясига қўшиб олган. Лекин бу ҳам яхши натижа бермапти. Негаки, айнан уша манзилда яшовчи Тиюццо ёки Боскололар ҳам кўп экан. Шунинг учун ҳар бир Тиюццога ёки Боскологга алоҳида-алоҳида таҳаллус ўйлаб топилиши ва шахсий ҳужжатига ёзиб қўйилишига рухсат берилди.

Неча соат ухлаш лозим?

Уйку йўналишидаги тадқиқотлардан маълум бўлишича, тўйиб ухламаслик мининг етарлича дам олмаслигига ва фикрлаш қобилиятининг сустлашиши ҳамда хотиранинг пасайишига олиб келар экан.

Кўпчилигимиз инсон бир суткада 7-8 соат ухлаши лозим деган фикрни эътиборга олади. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Балки сал кўпроқ ёки камроқ ухлаш керакдир? Болалар, ўсмирлар қанча вақт ухлашлари лозим?

25 йилдан буюн уйку бўйича тадқиқотлар олиб бориш билан шуғулланувчи Америка миллий тибб жамғармаси (National Sleep Foundation, USA)нинг 18 нафар тадқиқотчидан иборат гуруҳ уйку бўйича 300дан ортиқ илмий ишларни ўрганиб чиқди ва ўз хулосасини берди. Қутилганидек, инсоннинг ёши қанчалик кичик бўлса, организм етарлича дам олиши учун шунчалик кўпроқ ухлаши даркор экан. Чақалоқлар (0-3 ой) 14-17, Гудаклар (4-11 ой) 12-15, Кичиктойлар (1-2 ёш) 11-14, Боғча ёшдагилар (3-5 ёш) 10-13, Мактаб ёшдагилар (6-13 ёш) 9-11, Ўсмирлар (14-17 ёш) 8-10, Ёшлар (18-25 ёш) 7-9, Катталар (26-64 ёш) 7-9, Қариялар (65 ёшдан катталар) 7-8.

Олимларнинг таъкидлашича, кўп ухлаш ҳам зарарли экан. Демак, меърида ухласангиз, куннинг қолган вақтини тетик ва бардам ҳолда ўтказасиз ва ишингиз унумли бўлади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш, юртимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ишончли ҳамкор

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди. Мазкур қарор асосида Миллий банк ҳузурида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилгани мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, жамғарманинг Қашқадарё вилоят филиали томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга махсулотларини экспорт қилишда зарур ҳуқуқий-молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатилмоқда.

— Хусусий сектор вакиллари экспортга мўлжалланган махсулот ва қорхона тўғрисидаги маълумот акс этган тижорат таклифларини тақдим қилгач, хорижий ҳамкорларга етказиб бериш орқали уларга ишончли ҳамкорлар топиб бераёмиз. — дейди филиал директори Бахтиёр Турсунов. — Мутахассисларимиз ёрдамида ўтган йил давомида вилоятдаги 20 та қорхона 19,5 миллион АҚШ доллари миқдорда махсулотларини экспорт қилишга муваффақ бўлди. Шунингдек, 3 та кичик бизнес субъектига кишлоқ хўжалик махсулотларини гамлаш ва экспортдаги харажатларини қоплаш учун жами 750 миллион сўм миқдорда физиксиз молиявий ёрдам кўрсатилди. Бунинг натижасида 1,6 миллион АҚШ доллари миқдордаги қўшимча махсулот экспорт қилишга эришилди.

Жорий йилда филиал томонидан хизматлар қўламини кенгайтириш орқали 50 миллион АҚШ долларидан ортиқ махсулотлар экспорт қилинишини таъминлаш режалаштирилган. Шунингдек, хорижий мамлакатлардаги 12 та халқаро кўргазма ва ярмаркаларда қашқадарёлик 20 дан ортиқ тадбиркорнинг иштирок этишига амалий ёрдам кўрсатиш ва 20 миллион АҚШ долларидан ортиқ экспорт шартномаларини тузиш мўлжалланган. Бу эса ҳудуднинг иқтисодийоти барқарор ривожланиши ва янги иш ўринлари қўлайишида муҳим ўрин тутди.

Алишер РҮЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ ЮКСАК БАҲОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Банклар ассоциацияси томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича тижорат банклари ўртасида ўтказилган анъанавий танловда «Ўзмилийбанк» фаолияти юксак баҳога сазовор бўлди.

«Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги қарорга мувофиқ ташкил этилаётган мазкур тадбир банкларнинг аҳоли омонатларини жалб қилиш борасидаги фаолиятини ривожлантириш ва банк-молия хизматлари сифатини янада оширишда, шунингдек, жисмоний шахсларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олган ҳолда янги омонат турларини жорий этиш, бу соҳада соғлом рақобатни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2014 йил якунлари бўйича танловда 26 та тижорат банкнинг 846 та филиали, 4200 та мини-банк ҳамда махсус кассалари ўзаро беллашди. Танлов ғолиблари саккизта асосий ва ўн битта қўшимча номинациялар бўйича аниқланди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 4 та номинация бўйича ғолибликни қўлга киритди. Миллий банк «Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки» номинациясида иккинчи ўринга муносиб қўрилди, «Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали» номинациясида эса унинг Муборак филиали иккинчи ўринни эгаллади. Танловнинг қўшимча номинациялари бўйича «Омонатларни жалб қилиш бўйича банк

фахрийси» номига банкнинг Пул муомаласи департаменти директори Людмила Бодягина сазовор бўлди. «Хорижий валютладаги энг яхши жамғарма депозити» сифатида банкнинг «Бойчечак» муқаддас омонати эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, Миллий банк томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида ўтган йилда саклаш муқддати 2 ойдан 2 йилгача бўлган миллий ва хорижий валютада жами 15 та янги муқддатли омонатлар ташкил этилди. Жумладан, миллий валютада «Киш зийнати», Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги байрами муносабати билан «Мустақиллик» ҳамда «Обод юрт», «Соғлом бола йили» давлат дастурига кўра 7 ёшгача болалар учун «Келажак авлоди» деб номланган омонат турлари жорий этилди. Бундан ташқари, коммунал тўловларни амалга оширишга мўлжалланган «Зангори олов», «Ерқин», «Чашма» сингари депозитлар ҳам амалга киритилди.

2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, миллий валютада 22 ҳамда хорижий валютада 11 турдаги омонатлар амал қилмоқда. Ёши улуг мижозлар учун «Пенсионный», 16 ёшгача бўлган болалар учун «Ниҳол» ҳамда «Бойчечак» сингари муқаддас омонатлар шулар жумласидандир.

Кексаларни эъозлаш йилида ёши катта авлод вакилларига қўлайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон Миллий

банк томонидан «Эъоз» деб номланган омонат тури ҳам жорий этилди. Мазкур депозит ёши 50 ва ундан юқори бўлган жисмоний шахслар учун бир йил муқддатга очилди.

Бундан ташқари, яна бир янги «Хисобли» мақсадли депозити ҳам ташкил этилган бўлиб, уни саклаш муқддати 5 йил деб белгиланган. Мазкур омонат аҳоли кишлоқ жойларда уй-жой қурилиши учун олган кредити фойзини қоплаш мақсадида фойдаланиши учун йўналтирилган.

Аҳолининг банк тизимида бўлган ишончинини янада мустаҳкамлаш мақсадида банкда сакланаётган омонатлар қонун томонидан ҳимояланиб, тўлиқ ҳақмида берилиши кафолатлари, депозитлар бўйича даромадлар солиқдан озод қилинишига доир имтиёзлар, банк сирини, мижознинг биринчи талабидан қиссиз варақалардан маблағларини бериш ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситалари, реклама стендлари ва буклетлар орқали мунтазам ёритиб келинмоқда.

Мухтасар айтганда, «Жамғармаларнинг бошқарилишини бизга ишончли топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!» шiori остида Миллий банк ўз мижозларига янада қўлайлик яратиш йўлида изчил фаолият кўрсатмоқда.

Банк матбуот хизмати.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 24 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

■ 1 Австралия доллари	1926,92	■ 1 Канада доллари	1959,63	■ 1 Туркия лираси	1001,27
■ 1 Англия фунт стерлинги	3783,23	■ 1 Хитой юани	393,36	■ 1 Швейцария франки	2607,93
■ 1 Дания кронаси	375,27	■ 1 Россия рубли	39,86	■ 1 ЕВРО	2807,27
■ 1 БАА дирҳами	669,84	■ 1 Украина гривнаси	88,31	■ 10 Жанубий Корея вони	22,18
■ 1 АҚШ доллари	2460,32	■ 1 Малайзия ринггити	676,47	■ 10 Япония иенаси	206,87
■ 1 Миср фунти	322,66	■ 1 Польша злотийси	673,19		
■ 1 Исландия кронаси	18,70	■ 1 СДР	3472,37		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

«ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН!»

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган тиббиёт ҳафталиги ниҳоясига етди



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар

Мамлакатимизда бугун ёши улуг инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни тиббий ва ижтимоий муҳофаза қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Бу борада «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон дастурул-амал бўлиб хизмат қилмоқда.

«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» тадбирларида тиббиёт олий ўқув юртлири, илмий-текшириш институтлари профессор-ўқитувчилари, шунингдек, ихтисослаштирилган марказлар ва республикамиздаги бошқа етакчи тиббиёт масканларида фаолият кўрсатаётган 300 нафардан ортиқ юқори малакали шифокорлар иштирок этди. Акция доирасида аҳоли, асосан, уруш ва меҳнат фронт

фахрийлари, 60 ёшдан ошган кексалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

— Тиббиёт ҳафталиги давомида ҳудудимизда истиқомат қилаётган 1116 нафар олтиш ёшдан ошган уруш ва меҳнат фахрийлари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. — дейди **Миробод туманидаги 1-оилавий поликлиника бош шифокори Наргиза Холмухамедова**. — Уларнинг 193

нафари уруш ва меҳнат fronti фахрийси ҳисобланади. Тиббий кўрик хулосаларига кўра, 18 нафар кексага соғломлаштириш марказларида даволаниш учун йўлланмалар берилди. Бундан ташқари, поликлиникамиз томонидан уруш ва меҳнат fronti фахрийларини санаторийларда ҳордиқ чиқариб, ўз соғлигини тиклаши учун тавсиялар бериш йўлга қўйилган. Мазкур акция доирасида 11 нафар кишига ана шундай тавсиялар тақдим этдик.

Умуман, тиббиёт ҳафталиги давомида ҳудудимизда истиқомат қилаётган кексаларнинг биронтаси эътибордан четда қолмади. Поликлиникага келиш имконияти йўқ ногирон ва бемор кексаларни эса ўз уйларида кўриқдан ўтказдик. Тиббий хулосалар натижасида 38 нафар кексага ўз хонадонида даволаниши учун шароит яратилиб, уларга тиббий ёрдам кўрсатиши ишлари бошлаб юборилди...

— Кесайганда инсон кўпроқ эътиборга муҳтож бўлади, — дейди **пойтахтимиздаги Абдулла Авлоний номли маҳаллада истиқомат қилувчи 88 ёшли Умри Иноятова**. — Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан биз, кексаларга берилган эътибор ва ғамқўрлик туйғулари оғиримиз энгил, руҳимиз тетик. Поликлиника шифо-

кор ва ҳамширалари мунтазам хабар олишади, тез-тез тиббий кўриқдан ўтказиб туришади. Ана шундай кексалари эъзозланган юрда яшаётганидан мамнун бўласан, шу кунларга етказганига шукр қиласан...

Тадбирда тиббиёт ўқув юртлири, илмий-текшириш институтлари профессор-ўқитувчилари, шунингдек, ихтисослаштирилган марказлар ва республикамиздаги бошқа етакчи тиббиёт масканларида фаолият кўрсатаётган 300 нафардан ортиқ юқори малакали шифокорлар иштирок этди.

Бир сўз билан айтганда, «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» тиббиёт ҳафталиги бугун республикамизда юқори савияда ташкил этилди. Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган маълумотга кўра, мазкур акция доирасида 84 минг нафарга яқин киши бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

Аҳмад ЮСУПОВ

СПОРТ

Польшанинг Вроцлав шаҳрида яқунланган «Челленжер» туркумига кирувчи халқаро турнирда ҳамюртимиз Фаррух Дўстов бош совринни кўлга киритди.

ФАРРУХ ДЎСТОВ ХАЛҚАРО ТУРНИР ГОЛИБИ

Ф.Дўстов мусобақа финалида Босния ва Герцеговина вакили Мирза Басични 6:3, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ушбу галабадан сўнг Фаррух Дўстов ATP рейтингда 98-поғонага кўтарилиб олди.

Энди теннисчимиз Францияда ўтказиладиган «Челленжер» туркумига кирувчи навбатдаги халқаро турнирда иштирок этади.

Навқирон авлодининг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, иқтидорини тўлақонли намоён этиши, ўзи қизиққан спорт билан мунтазам шугулланиши учун қўлай шароит ва кенг имкониятлар яратиш мақсадларида амалга оширилаётган ишловларнинг устувор йўналишларидандир.

СПОРТЧИ ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Сув спорти бўйича Андижонда ўтказилган фестивалда бу алоҳида таъкидланди. Яратилаётган шароитлар туфайли келинги йилларда вилоятда спортнинг ушбу тури тобора ривожланиб бораёттир.

— Утган йили спортчиларимиз сув спорти бўйича мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда 207 олтин, кумуш ва бронза медалларини кўлга киритди, — дейди сузиш бўйича Андижон вилояти терма жамоаси бош мураббийси Р.Амилов. — Сўнги йилларда Андижонда сув спорти бўйича ўзига хос мактаб шаклланиши боис спортчиларимиз турли мусобақаларда юқори натижаларга эришиб келмоқда.

Фестивалда сузиш, синхрон сузиш ва сувга сакраш бўйича мамлакат ва халқаро мусобақалар голиблари, ёш спортчилар спорт мактаблари сузиш тўғрисида тарбияланувчилари ўз маҳоратини намойиш этди. Айниқса, синхрон сузиш бўйича вилоят терма жамоаси ҳамда Андижон олимпия захиралари коллежи ўқувчиларининг чиқишлари муҳим су мутахассисларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдураҳмонов сўзга чиқди.

Ў.А.

ТАДБИР

Маълумки, қатор йиллардан бери «Намунали милиция таянч пунктлари» кўрик-танловини ўтказиш анъананага айланиб қолди.

НАМУНАЛИ МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ

республика кўрик-танлови голиблари аниқланди

Ушбу кўрик-танлов уч босқичдан иборат бўлиб, якуний босқичда иштирок этган милиция таянч пунктлари бўйича голиблар миқтақалардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятдан ва демографик жиҳатдан келиб чиқиб, ҳудудларга тақсимланган ҳолда Республика кўрик-танловини ўтказиш комиссияси хулосасига асосан аниқланди.

Пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида ўтказилган тадбирда голиблар муносиб тақдирланди. Биринчи ҳудуд бўйича 1-ўринга Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Алишер Навоий маҳалласидаги 86-сон милиция таянч пункти сазовор бўлди. Голибга биринчи даражали диплом ва «Матиз» автомашинаси калити топширилди. Иккинчи ҳудуд бўйича Наманган вилояти Наманган тумани «Қурама» маҳалласидаги 21-сон милиция таянч пункти голиб деб топилди, биринчи даражали диплом ва «Матиз» автомашинаси билан тақдирланди.

Учинчи ва тўртинчи ҳудуд бўйича биринчи ўринни эгаллаган Сурхондарё вилояти Термиз тумани «Солибод» маҳалласидаги 23-сон милиция таянч пункти ҳамда Жиззах вилояти Пахтакор тумани «Буюк ипак йўли» маҳалласидаги 116-сон милиция таянч пункти биринчи даражали диплом ва «Матиз» автомашинаси билан тақдирланди. Шунингдек, бошқа қатор номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди, уларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ушбу кўрик-танловни ўтказишдан асосий мақсад маҳаллалар осойишталигини таъминлаш ва ободончилигига эришиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш ҳамда бугунги кун талабига жавоб берадиган милиция таянч пунктларини барпо этиш, — дейди Ички ишлар вазирлиги ҲОББ матбуот котиби подполковник Улуғбек Тўймабоев.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Бугунги одамлар

аниқ мақсад билан яшайди

«Агробанк» касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, оилавий тадбиркорлик билан шугулланмоқчи бўлганлар, ўз ишини очиб яшаётган фермерлар, ҳамини ишонч ва ҳамкорлик таъминлиги содиқ қолган донмий мижозларини қўллаб-қувватлашга тайёр.

Буни банкнинг Фаргона вилоят бошқармаси ва филиаллари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Улар томонидан аҳолига кўрсатилаётган замонавий, тезкор ва сифатли банк хизматлари туфайли одамларнинг «Агробанк»ка бўлган ишончи тобора мустаҳкамланмоқда.

«Агробанк» АТБ Фаргона вилоят бошқармаси оилавий тадбиркорлик, ёшларнинг ўз ишини очиб, кишлоқ жойларда кичик корхоналар ташкил этиш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун кредитлар ажратиш борасида кенг қўламли

ишлар олиб бормоқда. Жумладан, вилоят бошқармаси ва филиаллари томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан турли тармоқларни ривожлантириш мақсадида 314 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари йўналтирилди. Бунинг натижасида ҳудудлар янада обод бўлиши билан бирга, замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тадбиркорлик субъектлари фаолият бошлади. Асосийси, жойларда минглаб янги иш ўринлари ташкил этилди.

— «Агробанк»дан 15 миллион сўм кредит олиб, ўз ишимни йўлга қўйдим, — дейди **тадбиркор Дилобархон Абидова**. — Шу маблағ эвазига гулли ва чокли буюмлар тикиш дастурхона сотиб олиб, кичик корхона ташкил қилдик. Бу орқали янги иш ўринлари яратилди. Корхонамиз бугунги кунда халқимизга хизмат кўрсатиб келяпти. Ҳозирда банк бизнинг яқин ҳамкоримизга айланган.

«Агробанк» томонидан касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун кредит маблағлари ажратиш масаласига катта эътибор берилмоқда. Бу эса ёшлар ўз бизнесини йўлга қўйиб, жамиятда ўринларини

топишига, қолаверса, янги иш ўринлари барпо этилишига хизмат қилмоқда.

— «Агробанк» коллеж битирувчиларини қўллаб-қувватлаётганидан хабардор эдим, — дейди **Учкўприк туманидаги саноат коллежи битирувчиси Муҳаммадали Музаев**. — Яқинларим билан маслаҳатлашиб, банкнинг Данғара туман филиалидан 40 миллион сўм кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошладим. Ҳозирда ноозик овқат товарлари чакана савдоси билан шугулланяпман. Бир нечта тенгдошим менга қўшилди. Бугунги кунда биргаликда иш олиб бораёпмиз. Келажда банк билан ҳамкорлигимиз давом этади, деб ўйлайман.

«Агробанк» АТБ Кува филиали мижози бўлган «Роҳатой» фермер хўжалиги бугунги кунда нафақат вилоятда, балки бутун республикамизда машҳур. — Фермер хўжалигимиз 1992 йилда ташкил этилган, — дейди **«Роҳатой» фермер хўжалиги раҳбари Авазбек Тешабоев**. — Утган йили 106,8 гектар ердан 260,8 тонна галла ҳосили олдик. 53 гектар ерда 134,0 тонна «оқ олтин» етиштириб, белгиланган режани удаладик. Бундан ташқари, 196 гектар ерда боғдорчилик ҳамда чорвачилик билан шугулланиб келяпмиз. Фермер хўжалигимиз кўп тармоқли бўлиб, ҳозирда бу ерда 60



AGROBANK

нафар киши иш билан таъминланган.

Банкнинг Кува филиали томонидан фермер хўжалигига 2013 йилда 200 тонна симиғли музлаткич ускунаси сотиб олиш учун бир юз эллик миллион сўм, қорамол сотиб олиш учун эса саксон саккиз миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Мазкур маблағлардан фермер хўжалиги мақсади ва оқилна фойдаланиб, кўплаб ютуқларни кўлга киритмоқда.

Ҳозирда фермер хўжалигида 80 бош қорамол, 200 бош қўй мавжуд. «Роҳатой» фермер хўжалиги 2014 йил «Ташаббус» кўрик-танловида Фаргона вилоятида энг яхши фермер хўжалиги, деб топилди. Республика босқичида ҳам совринни ўринни кўлга киритди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар билан биргаликда тижорат банклари ҳам фаол иштирок этмоқда. Банklar томонидан олиб борилаётган ана шундай сазй-ҳаракатлар юртимизни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Хизматлар лицензияланган.

Банк матбуот хизмати.

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharh: nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 259
20926
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 22.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5